

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди

«Тасдиқланди»

Ўқув ишлари проректори

доц. Б.Усмонов

№ _____
« ____ » _____ 2013 йил.

« ____ » _____ 2013 йил.

**5230400 – Маркетинг (ташқи иқтисодий фаолият)
мутахассислиги талабаларининг**

**МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ЎТАШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ
КЎРСАТМА**

(Бакалавр босқичи IV - курс талабалари учун)

Тошкент – 2013

«Маъқулланди»
“Банк иши” факультети
илмий кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган.
Кенгаш раиси доц. О.Ортиқов

«_____» _____ 2013 йил.

«Тавсия этилди»
«Ташқи иқтисодий фаолият»
кафедраси мудири _____ И.Хотамов

Кафедра йиғилишининг 2013 йил
“_____” _____ -сонли баённомаси

Тузувчилар:

1. Хотамов И. –ТДИУ “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси мудири,и.ф.н.
2. Қориева Ё. –ТДИУ “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси профессори.
3. Вафоев Б. – ТДИУ “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси ассистенти, и.ф.н.

Такризчилар:

1. Жалолов Ж. ТДИУ “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси профессори.
2. Назарова Р.Р. – ТДИУ, «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I. Амалиётнинг мақсади ва вазифалари.....	5
II. Амалиёт даврида талабанинг бурчлари.....	5
III. Кафедра ва малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилот томонидан тайинладиган малакавий амалиёт раҳбарининг вазифалари.....	7
IV. Амалиётни ўтувчи талаба иш жойи ва вақт фондини тақсимлаш.....	8
V. Малакавий амалиёт жараёнида кўриладиган масалаларнинг мазмуни.....	9
VI. Талабанинг битирув малакавий иши.....	11
VII. Амалиёт якунлари ҳақида талабаларнинг ҳисоботи ва уни ҳимоя қилиш.....	13
Илова.....	16

Кириш

Иқтисодиётда таркибий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишда “Маркетинг” (ташқи иқтисодий фаолият) таълим йўналиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугунги кунда ҳукм сураётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, халқаро инвестиция ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий-иқтисодий талофотлар ва унинг оқибатлари билан боғлиқ тушунчалар ва қарашларни тизимий таҳлил қилишда “Бизнес маркетинг”, “Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш”, “Халқаро маркетинг”, “Брендинг”, “Маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш ва истиқболлаш” ва “Ташқи иқтисодий фаолият” фанлари алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида халқаро маркетингнинг назарий ва амалий асосларини чуқур билишни, талаб этмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «...иқтисодиётнинг этакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида тўхталиб “... бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”² деб таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвестициялар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратилаётганлиги, шу билан бирга Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилганлигини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган асосий вазифалар тўлиқ ва амалга оширилганлиги тўғрисида тўхталиб, “...Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.”³ деб таъкидладилар.

5230400 - Маркетинг (ташқи иқтисодий фаолият) таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашда юқори даражадаги сиёсий-иқтисодий таълимни бозор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

² И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 53 б.

³ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” – Т.: Ўзбекистон, 2013 й.

иктисодиётини бошқариш назарияси ва амалиёти борасидаги чуқур билимлар, миллий хўжалик тармоқларида хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришнинг аниқ йўналишлари, техника ва технология соҳасидаги кенг дунёқараш билан уйғун бирлаштиришни таъминлаш зарур. Маркетингнинг назарий ва амалий асосларини чуқур билиш, маркетингни бизнеснинг турли йўналишларида қўллаш, тижорат хавф-хатарини ўз вақтида ҳис қилиш ва камайтириш, унинг ҳар хил муқобил турларини, вариантларининг энг мақбулини танлаш, рақобат шароитида бозорни юқори сифатли товар ва хизматлар билан тўйинтириш, доимий талаб мавжуд бўлган шароитда харидорларнинг турли гуруҳлари учун сотиш, нархини аниқлаш ва оқибатда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Очiq иктисодиёт сари ҳаракат қилишда бирлашма ва ташкилот ва корхоналарга ташқи бозорларга чиқиш ҳуқуқини бериш иктисодий маконнинг кенгайишига олиб келади. Бундай долзарб вазифаларни ижобий ҳал этиш учун республикамизга ташқи иктисодий фаолият маркетинги соҳасида юксак касб маҳорати билан иш юрита оладиган ёш мутахассислар зарурки, улар бир томондан, бозорни, хусусан талаб ва эҳтиёжни батафсил ва атрофлича таҳлил этиш асосида корхоналар учун энг янги машиналарни, ускуналар ва асбобларни сотиб олиш орқали фан–техника тараққиётини жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсата олсалар, иккинчи томондан бозорга, шу жумладан талаб ва эҳтиёжни шакллантиришга фаол таъсир кўрсатиш қобилиятига ҳам эга бўлсинлар.

Ушбу дастур замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда бозор иктисодиёти шароитида ташқи иктисодий фаолият маркетинги бўйича мутахассисларни тайёрлаш соҳасида малакавий амалиёт бўйича умумий услубиёт ҳисобланади.

I. Амалиётнинг мақсади ва вазифалари

Талабалар малакавий амалиёти бакалаврларни тайёрлаш бўйича Давлат таълим стандартига, хусусан ўқув режага мувофиқ тарзда ташкил этилади ва у таълим жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириладиган таркибий қисми ҳисобланади.

Малакавий амалиётнинг асосий мақсади – битирувчи босқич талабаларини Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ мустақил ишлашга ўргатиш, ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб боришга тайёрлаш, корхонанинг ташкилий бўлинмалари тузилишини ва функционал масалаларини ўргатиш, иктисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш бўйича амалий кўникмаларни эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун материаллар тўплаш ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотлар учун юқори малакавий мутахассислар тайёрлаш ишида малакавий амалиёт катта аҳамиятга эга, чунки ушбу турдаги амалиёт даврида корхона ва ташкилотларнинг амалий фаолиятини ўрганиш талабаларни назарий билимларини чуқурлаштиради ва кенгайтиради.

Ишлаб чиқариш амалиётининг асосий мақсади бўлиб, корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни бошқариш тизими, маркетинг фаолиятини ташкил этиш, маркетинг ахборотлар тизими ва бозорни ўрганиш, бозор сегментацияси, маркетинг фаолиятида товар, товар ҳаракати ва тижорат, корхона ва ташкилотларнинг баҳо сиёсати, маркетинг тизимида реклама ва экспорт маркетинг соҳаларида талабаларни амалий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳисобланади.

Малакавий амалиётнинг ўтказилиши талабалар учун мустақил равишда ҳам назарий, ҳам амалий билимларни боғлай олишга, адабий тилда ўз фикрларини саводли изоҳ этиш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

Амалиёт даврида талабалар корхона ва ташкилотларни нафақат амалий фаолиятида, балки унинг жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиши талаб этилади.

Малакавий амалиёт тугаши билан талабалар мустақил равишда услубий кўрсатмадан фойдаланган ҳолда амалиёт натижалари ҳақида ҳисобот ёзишади.

Ишлаб чиқариш амалиёти ўтилганлиги ҳақида ҳисоботни ҳимояси «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси профессор-ўқитувчилардан таркиб топган комиссия кафедра ва Университет ўқув-услугий бўлими томонидан белгиланган муддатларда қабул қилишади.

Малакавий амалиётдан кутиладиган натижа ҳамда унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- битирувчи босқич талабаларига таълим йўналиши бўйича амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- хўжалик юритувчи субъектда ўз таълим йўналиши бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини ва тизимини ўрганиш;
- амалиёт объекти ва бошқа субъектлар ўртасидаги ҳужжатлар айланишини ўрганиш;
- амалиёт объектида мавжуд тартиб қоидалар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш;
- амалиёт объекти бўйича қарор қабул қилиш ва мустақил ишлашга ўрганиш;
- амалиёт объекти ва умумий тармоқ даражасида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлардан хабардор қилиш;
- ижтимоий-сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш соҳасида керакли билимлар билан таъминлаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барча мулкчилик шаклига қарашли ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар молиявий кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилишнинг янгича услублари билан танишиш;
- битирув малакавий иши, илмий мақолалар ва келгусида илмий изланишлар учун зарур бўладиган амалий маълумотларни тўплаш ва хоказолар.

II. Амалиёт даврида талабанинг бурчлари

Университет ўқув жараёни графигига мувофиқ ҳар йили малакавий амалиёт ўтишнинг аниқ муддати белгиланади.

Малакавий амалиёт объекти бўлиб ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи давлат муассасалари, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар, халқаро компаниялар ва халқаро фондлар ҳисобланади. Малакавий амалиёт битирув малакавий ишида ўрганилаётган объектларга қараб, икки томонлама ва бошқа келишувлар асосида таълим муассасаларида, илмий марказларда ҳам ўтказилиши мумкин.

Амалиёт дастурларига мос ҳолда амалиётни ўтаётган талаба корхонанинг маркетинг бўйича мутахассиси сифатида иш ўрганади. Шуниси муҳимки, амалиёт ўтаётган талабалар амалиёт даврида ўз мутахассисликларига зид келадиган ишлардан озод бўлишлари ҳамда дастурда кўрсатилмаган ишларни бажаришлари амалиёт моҳиятига зиддир.

Амалиёт даврида талаба ишлаб чиқариш томонидан белгиланган раҳбарлари билан ҳамкорликда иш режаларини тузадилар ва бу режа ўз ифодасини берилган дастурда топиши лозим.

Бажариладиган ишлар муддати ва босқичлари тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш амалиётидан бириктирилган раҳбар томонидан белгиланади.

Амалиёт охириги ўқув йилининг 8 ҳафтаси давомида ўтади. Ҳар шанба куни талаба ҳафта давомида танишган ҳисоботлар, олинган маълумотлар, қилинган ишлар бўйича илмий раҳбарга ёзма равишда ахборот беради.

Амалиёт бошланишигача талаба қуйидагиларни бажариши керак:

- университетдан бириктирилган амалиёт раҳбари билан уни ўташ жойи ва муддатини аниқлаши;
- амалиёт бўйича умумий йўриқномалар ва барча зарурий ўқув-услугий ҳужжатларни олиши;
- БМИ режасини тузиш ва асосий адабиётлар билан танишиб, ёзма равишда белгилаши.

Талаба амалиётни ўташ жойига ўз вақтида, йўлланмада кўрсатилган куни бориши зарур. Малакавий амалиётни бошлашга кечикиш, унинг сабабларидан қатъий назар, амалиётнинг ўтиш даврини автоматик равишда узайтиради. Малакавий амалиётнинг бошланиш кунидан бошлаб унинг муддати давомида талабаларга нисбатан ҳам амалиёт жойида ҳаракатда бўлган меҳнат қонунчилиги ва ички тартиб қоидалари кучга эга бўлади.

Малакавий амалиётнинг биринчи кунёқ талаба белгиланган тартиб қоидалар билан танишиб чиқиши ва ўз вазифаларини англаб олиши керак. Талабанинг иш жойидаги бурчлари у эгаллаб турган лавозим моҳияти ва бошқарув-идоравий тартибдан келиб чиқадиган талаблар билан белгиланади.

Малакавий амалиётни ўташ даврида талабаларга қуйидаги вазифалар юклатилади:

- амалиёт дастуридаги топшириқларни тўла бажариш;
- малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилот жамоасининг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш, ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиш;
- малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилот, уларнинг бўлимлари асосий иш фаолияти билан танишиш;
- кундалик дафтар юритиш, унда ҳар куни бажарилган иш мазмунини ёзиб бориш ва кун охирида амалиёт раҳбарига уни тақдим этиш;
- топшириқларни бажаргани ҳақида раҳбарга ёзма ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича синов топшириши лозим(синовдан ўтиш).

Малакавий амалиётни ўтувчи талаба, вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилот шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ташкилот раҳбарининг буйруғи билан лавозимга тайинланиши мумкин. Бунинг учун олий ўқув юрти томонидан бириктирилган раҳбаридан ижозат олиниши шарт. Аммо штат лавозимида ишлаш ушбу амалиёт дастурида кўзланган топшириқларни бажаришга салбий таъсир этмаслиги лозим.

Малакавий амалиётни ўташ жарёнида талабалар ушбу ҳужжатда ва режада кўзланган топшириқларни тўла бажаришлари, амалиёт раҳбари кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари ва ички тартиб қоидалари талабларига қатъий риоя қилишлари керак.

Талабалар кадрлар бўлими, кутубхона ва бошқа хизматлар(кириш рухсатномаси, олинган китоб ва моддий буюмларни топшириш) ҳақида тегишли ҳисоботларни ўз вақтида беришлари ва улар ҳақидаги ҳужжатларни (ҳисоб-китоб варақаси, гаровнома ва ҳ.к.) тақдим этишлари керак.

Малакавий амалиёт дастурини бажармаган ва иш жойидан салбий тавсиянома олган ёки амалиёт ҳақидаги ҳисоботни ҳимоя қилиш натижасида қоникарсиз баҳо олган талабалар қайтадан амалиётни ўташ учун юбориладилар. Ички тартиб қоидаларини, меҳнат интизомини бузган амалиётчи талабага амалиёт объекти бошлиғи ёки унинг ўринбосари жазо беришга ҳақлидир. Улар мазкур масала юзасидан университет ректорига маълумот берадилар.

III. Кафедра ва малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилот томонидан тайинланадиган малакавий амалиёт раҳбарининг вазифалари

Малакавий амалиёт ўташ устидан раҳбарлик малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилот раҳбарияти томонидан ҳам, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ҳам амалга оширилади. Амалиёт устидан умумий ташкилий ишларни, ўқув-услубий ва илмий раҳбарликни факультет декани ва кафедра мудири олиб борадилар.

Белгиланган жойларда амалиётни ўташ устидан раҳбарликни кафедра бириктирган ва университет ректори тасдиқлаган профессор-ўқитувчилар олиб борадилар ҳамда уларнинг зиммаларига қуйидаги вазифалар юкланади:

А. Малакавий амалиёт бошланишига:

- амалиёт ўтувчи талабалар рўйхати ва уларнинг жойлари бўйича малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилот билан ўзаро мувофиқлаштириш;

- ўқув бўлимига амалиёт ўташ жойи ҳақида ўз таклифларини тақдим этиш;

- амалиёт ўташ жойи билан шартномаларни тузиш учун зарурий материалларни тайёрлаш;

- талабаларни амалиёт жойлари бўйича тақсимлаш ва кафедра қарори билан тасдиқлаб, малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилотга расмий хат билан юбориш;

- битирув малакавий иши илмий раҳбарлари билан бирга уларнинг мавзулари ва режалари мавжудлигини аниқлаш;

- амалиётга бағишланган мажлисини ташкил этиб, унда талабаларга қуйидагиларни тушунтириб бериш:

а) малакавий амалиётнинг аҳамияти ва унинг ўқув жараёнидаги ўрни;

б) амалиёт ўташ даврида талабалар олдида қўйиладиган умумий вазифалар;

в) амалиёт дастуридан келиб чиқадиган асосий вазифалар;

г) битирув малакавий ишини бажариш билан боғлиқ бўлган вазифалар;

е) малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилотларнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш мажбурияти;

з) амалиёт якунлари ҳақидаги ҳисобот олдида қўйиладиган талаблар, уни ёзиш ва ҳимоя қилиш тартиби;

й) амалиётни ўтаётган талабаларга кундаликлар ва дастурларни ҳамда бошқа материалларни топшириш, уларни тўлдириш тартибини тушунтириш.

Университетдан ажратилган раҳбар амалиёт жойига борган вақтда кундаликда ўз мулоҳазаларини қайд этади.

Б. Амалиётни ўташ даврида:

➤ ҳар қайси талаба билан биргаликда амалиётни ўташ графигини тузиш, жойларда белгиланган раҳбар билан биргаликда раҳбарлик қилиш;

➤ профессор-ўқитувчиларнинг амалиёт жойларига бориш графигини тузиш ва малакавий амалиёт ташкил қилинадиган давлат муассасалари, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар, халқаро компаниялар ва халқаро фондлар билан танишиш;

➤ талабаларнинг амалиёт жойларига ўз вақтида бориши ва ишни бошлаши устидан назорат ўрнатиш;

➤ амалиёт жойидан раҳбарлар тайинлаш ва уларнинг талабалар билан ишлаши устидан назорат олиб бориш;

➤ амалиёт жойларига бориб танишиш, амалиётнинг самарали бўлишини таъминловчи тадбирларни белгилаш ва махсус китоб-дафтарга қайд этиш;

➤ амалиёт жойларида талабаларнинг меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларига риоя қилиши устидан назорат қилиш;

➤ амалиёт дастурида кўзланган топшириқларни бажариш жараёни устидан мунтазам равишда кузатув олиб бориш.

В. Амалиёт тугаганидан сўнг:

➤ ҳисоботларни текшириш, уларни тақриз қилиш ишларини ташкил этиш;

➤ малакавий амалиёт талабанинг ўз қўли билан ёзилганлигини текшириш ва уни тасдиқлаш;

➤ ҳисоботни ҳимоя қилиш ҳайъатларини тузиш;

➤ амалиёт якунлари ҳақида ҳисобот тузиш ва уни деканат ҳамда ўқув бўлимига тақдим қилиш.

Амалиёт жойларида бевосита раҳбарликни олиб бориш давлат муассасалари, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар, халқаро компаниялар вакилларига юкланади, уни тегишли ташкилот раҳбари энг малакали ходимлар ичидан тайинлайди.

Малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилотлардан тайинланадиган амалиёт раҳбари зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

➤ Малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилотлар иш фаолияти, уларнинг бошқарма(бўлимлари) функционал мажбуриятлари билан таништириш, унинг низоми ва иш режасини тушунтириб бериш;

➤ уларни иш жойларида амалиёт дастурига мувофиқ равишда зарурий топшириқлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

➤ битирув малакавий иши ва илмий ишлар учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш;

➤ амалиётни ўташ жараёни устидан назорат олиб бориш ва унинг ҳисоб-китобини ташкил этиш, талабанинг якуний ҳисоботини баҳолаш;

➤ амалиёт ўтаган талаба ҳақида тавсифнома тайёрлаш, унда талабанинг олий ўқув юртида олган билимларини амалиётда қўллашга, ишчанлик, ўзига талабчанлик, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш каби ҳислатлари ёритилади.

IV. Амалиётни ўтувчи талаба иш жойи ва вақт фондини тақсимлаш

Малакавий амалиётини IV - курс 5230400 “Маркетинг” (ташки иқтисодий фаолият) таълим йўналиши талабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, тижорат банклари, бошқа вазирлик (идора), муассаса, корхона ва ташкилотларда ўтайдилар.

Талаба амалиёт жойига келиши биланок, малакавий амалиёт ташкил этиладиган вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилот маъмурияти уни амалиётга қўйиш ҳақида буйруқ тайёрлаб, унга тегишли ходимлардан раҳбар тайинланиши керак.

Малакавий амалиётни ўташ якка режа (график) асосида амалга оширилади. Уни амалиёт раҳбари ҳар қайси талаба билан биргаликда амалиёт дастурига мувофиқ равишда малакавий амалиёт ўтаётган жойнинг хусусиятларини ҳисобга олиб тузиб чиқади. Намунавий график чизмаси қуйида келтирилган:

V. Малакавий амалиёт жараёнида кўриладиган масалаларнинг мазмуни

5.1. Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилотларида амалиётни ташкил қилиш муддати ва мазмуни

Ҳафта	Амалиёт даврида бажариладиган ишларнинг мазмуни
1-ҳафта	- Амалиёт жойига етиб келиш. - Танишув ишлари (корхона (ташкилот) раҳбари ва амалиёт раҳбари билан танишув). - Ишлар режасини тузиш ва тасдиқлаш. - БМИ мавзусига мос равишда тадқиқ этилаётган муаммонинг назарий асосларини ўрганиш.
2-ҳафта	- Корхона (ташкилот)нинг умумий тавсифи. - Корхона (ташкилот)нинг ташкилий тузилмасини тузиш. 1-мавзу бўйича топшириқни бажариш. - Тадқиқот усуллари ва муаммони ҳал қилишга ёндашувларнинг таҳлили.

3-хафта	• Корхонанинг маркетинг сиёсати билан танишиш. • Корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан танишиш ва уларни ўрганиш. • 2-мавзу бўйича топшириқни бажариш. • Ўзбекистон Республикаси шароитида муаммонинг ўрганилганлик даражасининг таҳлили. • БМИни ёзиш учун илмий ва статистик маълумотларни тўплаш.
4-хафта	• Корхонанинг ривожланиши, маркетинг тизими, инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини ўрганиш • 3-4 мавзу бўйича топшириқни бажариш. • БМИни ёзиш учун илмий ва статистик маълумотларни тўплаш • Тажриба тадқиқотларни ўтказиш ва таҳлил қилиш.
5-хафта	• Корхонанинг маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш, ташқи иқтисодий фаолияти бўйича техник-иқтисодий асосномасини ишлаб чиқиш ўрганиш. • 5 - мавзу бўйича топшириқни бажариш. • Тажриба тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш.
6-хафта	• Корхона (муассаса)нинг маркетинг стратегиясини таҳлил қилиш. • Тадқиқот муаммоси бўйича ҳисоб-китоблар ва иқтисодий таҳлил • Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхона иқтисодий фаолиятининг таҳлили. • 6-мавзу бўйича топшириқни бажариш.
7-хафта	• Корхона(муассаса)нинг ташқи бозорлардаги фаолияти, маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш жараёни билан танишиш. • 7-мавзу бўйича топшириқни бажариш. • Тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш.
8-хафта	• Бажарилган топшириқлар ва амалиёт жойида олинган маълумотлар асосида ҳисобот тайёрлаш. • Ҳисоботни ёзиш ва расмийлаштириш. • Ишлаб чиқаришдан бириктирилган амалиёт раҳбаридан тавсиянома олиш. • Ҳисоботнинг ҳимояси.

5.1.2. Малакавий амалиёт жараёнида кўриладиган масалаларнинг мазмуни

Малакавий амалиёт кафедрадан белгиланган амалиёт раҳбари томонидан ишлаб чиқилган, кафедра мудири томонидан тасдиқлаган календарь иш режаси асосида амалга оширилади. Амалиёт раҳбари ҳар бир амалиётга чикувчи талабага ва у бораётган амалиёт объектига индивидуал тарзда ёндошиши зарур. Шунингдек, талабанинг календарь иш режаси аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим.

Кафедра малакавий амалиётни таълим йўналишига мослаштирган ҳолда ўтказишни таклиф этади ва мустақил илмий изланиш учун қуйидаги мавзуларни тақдим этади:

1. Мавзу. Корхонанинг умумий тузилиши ва уни бошқариш тизими

Корхона ташкилот, бирлашма ва вазирликларнинг (кейинчалик «корхона» деб номланади) мақсад ва вазифалари. Корхонанинг ташкилий тузилмаси. Корхонанинг бўлимларaro тузилмаси ва уларни вазифалари. Корхона даражасида ташқи иқтисодий хизматни ташкил этиш шакллари. Ташқи иқтисодий фаолият ишига ёрдам берувчи функционал бўлим хизматлар. Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятида бозор тадқиқоти ва таҳлили. Корхона ташқи иқтисодий фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш.

Мавзу бўйича топширик

1. Корхонанинг ташкилий тузилмасининг чизинг ва бўлимлараро тузилмаси орасидаги боғлиқликни кўрсатиб беринг. Корхонанинг ташкилий тузилмасини назарий билимлар асосида таҳлил қилинг ва уни такомиллаштириш бўйича ўз таклифингизни беринг.
2. Бозорни маркетинг тадқиқотининг тузилмасини чизинг. Назарий билимларга таянган ҳолда аниқ бир бозорга, жумладан ташқи бозорга муваффақият билан чиқиш мумкинлигини таҳлил қилиб беринг.
3. Корхонанинг жорий хўжалик фаолиятини таърифлаб, баҳо беринг ва таҳлил қилинг.
4. Корхонанинг экспорти ва импортига таълуқли кўрсаткичларига таянган ҳолда корхона ташқи иқтисодий фаолиятига, унинг иқтисодий самарадорлигига баҳо беринг.

2. Мавзу. Корхоналарнинг маркетинг муҳити

Маркетинг муҳити, ички маркетинг муҳит, ташқи маркетинг муҳит, корхона, рақиблар, воситачилар, шериклар ва бозорлар ҳақидаги тижорат ахборотларини йиғиш ва тўплаш механизми, ташқи муҳит, тижорат ахборотлар манбалари, Ахборотларни сақлаш жойлари. Ахборотларни сақлаш ва тарқатиш манбалари. Хорижий фирмалар бўйича доимий нашрлар. Адресли, товар-фирмали, умумий фирмали ва тармоқ маълумотлари.

Мавзу бўйича топширик

1. Ўзбекистон Республикасида ахборот манбаларини кўрсатиб ўтинг ва таърифланг.
2. Хориждаги ахборот манбаларини кўрсатиб ўтинг ва таърифланг.
3. Корхонада ташқи иқтисодий фаолият бўйича тижорат ахборотларини йиғиш ва тўплашни яхшилаш бўйича таклифлар беринг.

3. Мавзу. Истеъмолчилар бозори

Истеъмолчилар хулқ-атворини таҳлил қилиш. Харид модели, истеъмолчилар ҳатти - ҳаракати. Корхонани байналминаллаштиришга ундовчи омиллар ва уни амалга ошириш босқичлари. Корхона ташқи бозорга чиқгандан кейинги товар айланмасининг ички ва ташқи нисбатлари. Халқаро бозорларга корхонани чиқишидан кўрадиган фойдалари. Халқаро маркетингни асосий қоидалари. Корхонада халқаро бозорларни ўрганишнинг алоҳида томонлари. Корхона томонидан хорижий бозорларни танлаш ва уларга баҳо бериш. Халқаро бозорларда корхонанинг рақобатбардошлиги.

Мавзу бўйича топширик

1. Халқаро маркетингга бўлган эҳтиёжни келиб чиқиш сабабларини ифодалаб беринг ва корхонани унга ўтиш босқичларини акс эттириб беринг.
2. Корхонани байналминаллаштиришга ундовчи омилларни ёзиб ўтинг ва Ўзбекистон корхоналари учун уларни муҳим йўналишлардан бири эканлигини асосланган.
3. Кейинги 2-3 йиллардаги корхонанинг ички ва ташқи товар айланмаси бўйича жадвал ва график тузиб, уларни таққосланг ва корхонани халқаро бозорларга чиқиш бўйича маркетинг қарорларини таҳлил қилинг.
4. Халқаро маркетинг тадқиқотлари олиб бориш учун керакли бозор ахборотларини тўплаш ва бериш схемасини чизинг ва хорижий бозорларни танлаш ва уларга баҳо беришга тизимли ёндошишни асослаб беринг.

4. Мавзу. Корхонанинг товар сиёсати

Халқаро маркетингда товарни ўрни ва аҳамияти. Халқаро бозорларда товар рақобатбардошлигининг техник-иқтисодий параметрлари. Халқаро маркетингда товар тақсимоти ва савдо шахобчалари. Корхонада товар тақсимотини ташкил этиш. Халқаро бозорларга товар ҳаракати. Корхона товар сиёсатида халқаро рекламанинг ўрни ва аҳамияти.

Мавзу бўйича топширик

1. Товар рақобатбардошлигини баҳолаш тизимини чизинг ҳамда кенг истеъмол ва саноат учун мўлжалланган товарларга нисбатан эътибор бериладиган энг муҳим масалаларни кўрсатиб беринг.
2. Халқаро бозорларда товар стратегиясини шакллантиришда корхонада қабул қилинган қарорларни ўрганиб чиқинг ва таҳлил қилинг.
3. Ушбу корхона мисолида товар тақсимотининг халқаро миқёсида ташкил этишнинг ўзига хос томонларини кўрсатиб беринг ва таҳлил қилинг.
4. Товар тақсимотининг баъзи каналларининг қиёсий характеристикаларини акс эттирувчи жадвал тузинг ва халқаро бозорларда ушбу каналларнинг ижобий ва салбий томонларининг кўрсатиб беринг.
5. Хорижда корхона реклама фаолиятини олиб боришни ташкил этишни ҳамда реклама агентлиги билан корхона ўртасида тузилган битимларни таҳлил қилинг.

5. Мавзу. Корхонанинг баҳо сиёсати

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришдан корхоналарнинг иқтисодий қизиқишлари. Корхона ички иқтисодий қизиқишининг кўрсаткичи сифатида баҳо. Экспорт ва импорт маҳсулотлари учун ички баҳони ҳосил бўлиш тартиби ва хусусиятлари. Халқаро бозорларда баҳони ўзгартириб туриш сабаблари. Корхона ташқи иқтисодий фаолиятида баҳо белгилашда ахборот таъминоти.

Мавзу бўйича топширик

1. Корхонада мавжуд бўлган ва фойдаланадиган барча турдаги баҳоларни таҳлил қилинг ва экспорт-импорт маҳсулотларига баҳо тайин этиш усулларини таърифлаб беринг.
2. Жаҳон бозорларидаги баҳо нимаси билан ажралиб туришини аниқланг ва корхона ўз баҳо сиёсатини ишлаб чиқаришда қандай масалаларни ечишга тўғри келишини ёзиб ўтинг.
3. Аниқ бир товар мисолида божхона, акциз, оширилган баҳога нисбатан солиқларни ҳисоблаб беринг ва уларни текширтириб беринг.

6. Мавзу. Корхонанинг экспорт маркетинги

Корхона экспорт маркетингнинг мақсади ва масалалари. Корхона шерикларини, муаммоларини, бозор ҳажми, динамикаси ва структурасини таҳлили. Ташқи бозорларда корхона ҳолатига баҳо бериш. Корхонанинг қисқа ва узоқ муддатли ривожланишини аниқлаш. Корхонада товар, илмий-техника, баҳо, тижорат, реклама стратегиясини ишлаб чиқариш. Корхона экспорт маркетингини режалаштириш, бошқариш ва назорат этиш.

Мавзу бўйича топширик

1. Экспорт маркетинга йўналтирилган корхона бўлимлари фаолиятини таҳлил қилинг.
2. Корхона экспортининг келгусидаги имкониятларига баҳо беринг.
3. Хорижий бозорлар ва уларни сегментларини жозибадорлигини корхона қандай қилиб аниқлайди, таърифлаб ёзиб беринг.
4. Экспорт операцияларини таъмин этишда корхонанинг қайси объектлари патент ҳуқуқига эга, таърифлаб ёзиб беринг.
5. Корхона экспорт фаолиятини режалаштириш, бошқариш ва назорат этиш тизимини ўрганиб таърифлаб беринг.

7. Мавзу. Корхонанинг маркетинг стратегияси ва тактикаси

Корхона стратегиясини амалга ошириш йўллари, тактиканинг амал қилиш босқичлари, Корхона стратегик маркетингининг бош ва марказий йўналишлари. Корхона

истеъмолчиларини, бозор сегментациясини, бозорни жозибадорлиги, товар рақобатбардошлигини таҳлили. Корхона ривожланиш стратегиясини танлаш.

Мавзу бўйича топшириқ

1. Корхона стратегик фаолияти дастурини ишлаб чиқиш нималардан ташкил топганлигини аниқлаб беринг.
2. Корхона стратегия маркетингини режалаштиришини таърифлаб беринг.
3. Корхона стратегик маркетингининг базисларини таҳлил қилиб беринг.
4. Барча мавзуларнинг топшириқларига назарий билимларга таянган ҳолда ўз таклифларингизни беринг.

Амалиётни ўтиш амалиёт жойининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда (амалиёт раҳбари билан бирга) тузилган шахсий режа асосида амалга оширилади.

VI. Талабанинг битирув малакавий иши

Амалиётни ўташ вақтида ҳар бир талаба олган битирув малакавий иши мавзуси бўйича БМИ тайёрлаш учун керакли маълумотларни тўплайди. БМИни амалий материаллардан фойдаланиб таҳлилий қисмини тайёрлайди.

6.1. БМИ бўйича талаба учун шахсий топшириқлар

Талабалар илмий-тадқиқот фаолиятини кучайтириш мақсадида уларни кафедра илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиши лозим. Бунинг учун амалиёт ўтувчи талаба зиммасига куйидаги вазифаларни бажариш юкланади:

- кўп йиллик динамик қаторларни ҳосил қилиш учун БМИ мавзусига доир барча керакли маълумотларни тўплаш;
- тўпланган ҳақиқий маълумотларни вақт ва бошқа белгилари бўйича таққосламалигини аниқлаш;
- барча керакли кўрсаткичларни тузиш услубини ишлаб чиқиш, уларни ҳақиқий материаллар асосида ҳисоблаш ҳамда чуқур таҳлил қилиш.

Талаба мамлакат миллий иқтисодиётининг муҳим масалаларига ёзма таҳлилномаларни шакллантиришда, маърузаларни тайёрлашда фаол иштирок этиши керак.

VI. Амалиёт якунлари ҳақида талабаланинг ҳисоботи ва уни ҳимоя қилиш

Амалиёт пировардида талаба ушбу дастурга мувофиқ равишда бажарган ишлари ҳақида ёзма ҳисобот тайёрлайди. Ҳисобот учун керакли материалларни тўплаш ва унинг матнини баён этиш бутун амалиётни ўташ муддати давомида амалга оширилади. Ҳисобот икки қисмдан: матн қисми ва иловалардан иборат бўлиши керак. Матн қисми стандарт ҳажмдаги varaқларга ёзилиши лозим, улар китоб шаклига келтирилиб муқовалаштирилади. Ушбу қисмнинг умумий ҳажми 35-40 бетдан кам бўлмаслиги лозим. Матн қисми титул varaқаси билан бошланади (илова 1 га қаранг).

Ҳисоботда амалиётнинг барча асосий босқичлари ва иш турлари баён этилиш лозим:

1. Амалиёт ўталган давр ва жой ҳамда объектнинг умумий тавсифномаси.
2. Барча иш турларининг мазмуни ва услубияти кундаликдаги ёзувларга мувофиқ баён этилади.

У ёки бу масала устида сўз юрита туриб талаба у ҳақида ўз фикрини изоҳлаши керак. Агарда айтиш тадқиқ қилинаётган объект билан боғлиқ муаммолар ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди деб ҳисобласа ёки улар ҳақида танқидий мулоҳазаларга эга бўлса, амалиёт якунлари ҳақидаги ҳисоботда уларнинг ҳаммасини баён этиши лозим.

Ушбу ҳисоботда талаба келажақда амалиёт ўташ ва ташкил этиш ишларини яхшилашга оид ўз мулоҳазаларини ҳам баён этади. Ҳисоботни аста-секин бутун амалиётни ўташ даври давомида босқичма-босқич, бўлим-бўлим ёзиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда ҳеч нарса

унутилмайди ва тушиб қолмайди, ҳар бир бўлимда бажарилган ишлар мазмуни ва хусусиятлари тўлароқ баён этилишига эришилади.

Ҳисобот якунида талаба вазирлик(идора), муассаса, корхона ва ташкилотда қандай ёрдам кўрсатгани ва унинг самараси қандай эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиши керак.

Ҳисоботга ҳақиқий маълумотлар билан тўлдирилган ҳисобот бланкалари ва статистик ишлар ҳужжатлари илова қилинади.

А. Кундалик дафтари белгиланган тартибда расмийлаштирилади

Кундалик дафтари:

а) эҳтиёткорлик билан ўз вақтида ва имло хатоларисиз тўлдирилиши зарур;

б) сиёҳда ва ўз қўли билан ёзилиши зарур;

в) амалиёт кундалиги охириги бетларида малакавий амалиёт ўтган жойдаги масъул ёки раҳбарнинг умумий ҳулосаси, имзоми ва муҳр билан тасдиқланиши шарт. Кундалиги бўлмаган ҳисобот ҳимоя учун қабул қилинмайди.

Ҳисобот белгиланган тартибда ёзилиши ва расмийлаштирилиши керак. Бўлинма-бўлим стандарт ҳажмдаги қоғоз варақларида (210-297 мм), фақат унинг бир томонига, 3 см хошиялар қолдириб ёзилади. Унинг бетлари кетма-кет сонлар билан рақамланади. Ҳисобот шакллари билан биргаликда у қалин муқовали китоб шаклига келтирилади.

Юқорида баён этилган услубий кўрсатмалардан четланган ҳолда тўлиқ расмийлаштирилмаган ва китоб шаклига келтирилмаган амалиёт якунлари ҳақидаги ҳисоботни кафедрага тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Б. Ҳисоботга зарурий иловалар

Амалиёт бўйича кундалик дафтар.

Амалиётни ўташ жойидан талаба фаолияти тўғрисида тавсифнома.

Амалий дастури мавзулари бўйича таҳлилий материаллар.

Ҳисобот ва бошқа ишлар бўйича рақамлар билан тўлдирилган бланкалар.

В. Амалиёт ҳисоботини рўйхатга олиш ва ҳимоя қилиш тартиблари

Белгиланган тартибда шакллантирилган ҳисобот биринчи факультет деканатида рўйхатдан ўтказилади. Шундан сўнг кафедрада рўйхатга олиш журналида рўйхатдан ўтказилиб кафедра мудир кўрсатмаси ва имзоси билан илмий раҳбарга ўтказилади. Кафедра томонидан тайинланган амалиёт раҳбарлари ҳисоботларни текширади, ўз мулоҳазаларини баён этади ва дастлабки баҳо билан тақриз ёзади. Илмий раҳбар ижобий тақриз бергандан сўнг тасдиқланган ҳимоя кунлари бўйича хайъат олдида тақдимот шаклида ҳимоя қилинади. Ижобий тақриз олмаган ҳисоботлар қайта ишлашга қайтарилади.

Ҳисоботни ҳимоя қилиш натижалари рейтинг қайдномасида ва талабанинг рейтинг дафтарчасида қайд қилинади.

Малакавий амалиёт ҳисоботини ҳимояси бўйича БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Мезон кўрсаткичлари	Баллар оралиғи	Қўйилган балл
1.	Амалиёт кундалигининг тўғри ва мазмунли тўлдирилганлиги	3 балгача	
2.	Амалиёт объекти раҳбарияти томонидан талабанинг малакавий амалиёти юзасидан ижобий тавсифноманинг мавжудлиги	5 балгача	
3.	Амалиёт дастурига киритилган мавзуларнинг назарий жиҳатдан ёритилганлиги	15 балгача	
5.	Амалиёт дастурига киритилган мавзуларнинг амалий жиҳатдан ёритилганлиги ва қилинган таҳлилларнинг илмийлик даражаси	20 балгача	
6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари,	12 балгача	

	Фармонлари, Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланганлик даражаси		
7.	Тақдимот жараёнида талабанинг малакавий ҳисоботини мазмун моҳиятини ёритиб бериш даражаси	20 балгача	
8.	Ҳимоя жараёнида ҳайъат аъзолари томонидан берилган саволларга жавобнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги даражаси	15 балгача	
9.	Илмий раҳбар томонидан тақризда кўрсатилган камчиликларни тузатганлиги даражаси	5 балгача	
10.	Малакавий амалиёт ҳисоботининг чиройли, равон ёзилганлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги	5 балгача	
	Жами	100	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Банк иши” факультети

«Ташқи иқтисодий фаолият»
кафедраси

Рўйхатга олиш № _____
«_____» _____ 2013 й.

Рўйхатга олиш № _____
«_____» _____ 2013 й.

**МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ БЎЙИЧА
ҲИСОБОТ**

(корхона, ташкилот, муассаса, номи)

Бажарди: _____/имзо/
(курс, гуруҳи, Ф.И.Ш.)

Амалиёт раҳбари: _____
(Ф.И.Ш., имзо)

Амалиёт бўйича умумий баҳоси: _____ Сана: «_____» _____ 2013 й.

Комиссия раиси _____
(Ф.И.Ш.) _____
имзо

Комиссия аъзолари: _____
(Ф.И.Ш.) _____
имзо

Комиссия аъзолари: _____
(Ф.И.Ш.) _____
имзо

ТОШКЕНТ -2013

Корхона паспорти

1. Корхона/фирма: _____
 Манзили: _____
 Корхона раҳбари: _____
 Телефон: _____, Факс: _____
 E-mail: _____
 Мулоқот қилувчи шахс: _____
2. Корхона(фирма)нинг фаолият доирси:
 саноат- _____ қишлоқ хўжалиги - ☐
 савдо - _____ хизмат кўрсатиш - ☐
 бошқалар - _____
3. Фаолиятининг қисқача тавсифи: _____
4. Мулк шакли:
 давлат мулки - ☐ хусусий мулк- ☐
- бошқа
5. Тадбиркорликни ташкил этиш шакли:
 Хусусий тадбиркорлик:: _____ Микрофирма: ☐
 Кичик корхона: ☐ Чет эл корхонаси: ☐
 Қўшма корхона: _____
 Маъсулияти чекланган жамият: _____ Акционерлик жамияти: ☐
 Бошқа: _____
6. Ташкил этилган сана: _____
7. Ишчилар сони: _____
8. Корхона(фирма) томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (кўрсатилаётган хизмат) _____

Маҳсулот (хизмат) номи	Бир йиллик ишлаб чиқариш қуввати (дона)	Маҳсулот бирлигининг нархи	Айланма маблағ суммаси

9. Таклиф тавсифи

Ҳамкорни излаш		
	Ҳамкорнинг фаолият доирси	Ҳамкорга қўйиладиган талаб
а		
б		
в.		
Таклиф (сотиш учун):		
	Товар ёки хизмат тури	Сотув ҳажми
а		
б.		
в		
Таклиф(сотиб олиш учун):		
	Товар ёки хизмат тури	Сотиб олиш ҳажми
а		
б.		
в.		

1-жадвал.

Ўзбекистондаги қўшма корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмлари (намуна)

№	Корхонанинг номи	Ташкил этилган йил	Маҳсулот тури	Яратилган маҳсулотни ифodalаш	2010		2011		2012	
					Режа	Факт	Режа	Факт	Режа	Факт
1	Совпластитал ҚК.	1995	1.Пластмасса дан тайёрланган буюмлар 2..... 3....	млн. сўм	6141	1632	6211	829	-	-
2	“GM-Uzbekiston” ҚК.	1996	1.Автомобиллар 2..... 3..	Минг дона. Млн. сўм	72000	23703	72000	14039		
					-	1532	-	738		

2-жадвал.

Маҳсулотнинг асосий истеъмолчилари (намуна)

	Истеъмолчини номланиши	Истеъмолчининг манзили	Ҳамкорликнинг бошланиши (йил)	Умумий сотилган маҳсулот ҳажмидаги истеъмолчи сотиб олган маҳсулот ҳажми(%)
1.	“Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш корхонаси” ҚК.	Жарқўрғон, Сурхандарё вилояти.	2009	8,0
2.	МЧЖ “Роҳат”	Зангиота, Тош.вил.	2010	6,7
3.	ОАЖ “Новатор”	Тошкент ш. ш.	2011	6,0
4.	ОАЖ “Барака”	Тошкент ш.	2012	5,5

Манба: “Жемчуг-Ориентал” ҚК.

Компания молиявий ҳолатининг таҳлили

3-жадвал.

“Жемчуг-Ориентал” қўшма корхонасининг сотувдан тушган тушум, маҳсулот таннархи ва олинаётган
фойда динамикаси
(намуна) минг.сўм

№		2009	2010	2011	2012	% да 2012й. 2009 й. га нисбатан
1.	Маҳсулотни сотишдан тушган тушум	1000	1100	1000	1200	20
	ўсиш		100	-100	200	
2.	Таннарх	600	610	620	650	7
	ўсиш		10	10	30	
3.	Фойда	300	350	400	450	50
	ўсиш		50	50	50	

Манба: “Жемчуг-Ориентал” ҚК.

Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот(минг сўм)

Корхона номи	Йиллар					
	2010	2010	2011	2011	2012	2012
Кўрсаткичлар	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
Маҳсулот сотишдан тушган тушум (хизмат) ҚҚС акциз солиғи						
Сотишдан тушган соф тушум						
Товар(маҳсулот, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари.						
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа (кўрсаткич)						
Сотиш учун харажатлар. Маъмурий харажатлар. Асосий фаолиятнинг бошқа турдаги даромад ва харажатлари.						
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидаги молиявий натижалар (фойда ёки зарар)						
Шўба корхоналардан олинган дивидентлар						
Шўба корхоналардан (қарз эвазига)олинган ва уларга берилган фоизлар						
Тўланган ва олинган бошқа фоизлар						
Валюта курсларидаги фарқлар						
Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромад ва харажатлар						
Умумий хўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижалар						
-Кутилмаган фойда ва зарар -Умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар) фойда солиғигача -Фойда солиғи -Юқорида санаб ўтилмаган бошқа солиқлар ва ажратмалар						
Ҳисобот йилидаги соф фойда (зарар)						

Корхона ташқи муҳитини таҳлили.

“Жемчуг-Ориентал” ҚҚ.нинг SWOT-таҳлили
(намуна)

Кучли томонлари: Тажриба Ускуналар Маҳсулот ассортименти Ходимлар малакаси	Кучсиз томонлари: Баҳо Истеъмолчилар ҳатти-ҳаракати Ресурслар Маҳсулот ёши
Имкониятлар: Бозорнинг кенгайиши Қонунлар	Хавф-хатар: Хорижий бозорлар ЕИ нинг субсидиялари

Ички бозор Курашаётган рақобатчилар Хукуматнинг қўллаб-қувватлаши	Янги технологиялар Шаҳар ҳудудида ишлаб чиқариш тўғрисидаги далолатнома
---	---

(намуна)

	Куч Имконият ва келгуси режалар	Кучсизлик Хавф-хатар ва таҳдидлар
Ички	Машҳур савдо белгиси. Бозорнинг ката улуши. Харажат ва баҳо бўйича устунлик. Бой тажриба ва бозор ҳақидаги билим. Кенг ассортимент. Улгуржи бўғинда кенг дилерлик тармоғи	Бизнесни ривожлантиришнинг аниқ стратегиясининг йўқлиги. Тўғридан-тўғри сотиш соҳасида сусткашлик. Чакана савдода яхши таништирилмаганлиги. Маркетинг бўлимининг йўқлиги. Силжитиш сиёсатининг йўқлиги. Реклама материалларининг йўқлиги. Малакасиз ходимлар. Яхши йўлга қўйилмаган сервис хизмати.
Ташқи	Дилерлар молиявий аҳволини яхшиланиши. Шахсий брендни яратилиши. Ўровни яхшилаш. Стратегик альянслар тузиш. Бизнесни сотиш.	Инфляция. Аҳоли харид қобилиятининг пасайиши. Ҳисоб-китобда қилишда инқироз юз бериши мумкин.

Манба: “Жемчуг-Ориентал” ҚК.

М.Портер таҳлили методи бўйича рақобатчиларни таҳлил қилиш.

Етказиб берувчилар томонидан таҳдид - _____

Сизнинг ҳатти-ҳаракатигиз- _____

Истеъмолчилар томонидан таҳдид - _____

Сизнинг ҳатти-ҳаракатингиз - _____

Янги иштирокчилар томонидан таҳдид - _____


Сизнинг ҳатт-ҳаракатингиз - _____

.....

Бошқарув тизими ҳолатининг таҳлили.

1-схема

**Корхона ташкилий структураси.
(намуна)**



Корхона фаолиятини таҳлили.

5-жадвал.

**Корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (2009-2012йй.)
(млн.сўм)**

№	Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	Ўсиш суръати 2012й. 2009 й.га нис.(%)
1.	Сотув ҳажми					
2.	Ялпи даромад					
3.	Муомала харажатлари					
4.	Корхона даромадлари					
5.	Ажратмалар					
6.	Фойда					
7.	Соф фойда					
8.	Ишчилар сони					
9.	Иш ҳақи фонди					
10.	Рентабеллик					

6-жадвал.

Корхона асосий кўрсаткичлари

Маҳсулот номланиши	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (минг сўм.)			Ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) бўйича олинган даромад			Фойда		
	2010	2011	2012	2010	2011	2012	2010	2011	2012
1.									
2.									
Ҳаммаси:									

7-жадвал.

Кичик корхона ва хусусий тадбиркорлар сонини тармоқлар бўйича ўсиш динамикаси

№	Тармоқлар	2010	2011	2012	2012 йил 2011 йилга нисбат. ўсиши (% ҳисобида)
1.	Саноати				
2.	Қишлоқ хўжалиги				
3.	Қурилиш				
4.	Савдо ва умумий овқатланиш				
5.	Транспорт				
6.	Бошқа тармоқлар				
	Жами:				

Корхона инвестиция сиёсатини таҳлили.

8-жадвал.

Корхонада хорижий инвестицияни тақсимлаш

Тармоқ ёки маҳсулот тури	2010		2011		2012		2012 йил 2009 й.га нис.%
	Микдори	Минг сўм	Микдори	Минг сўм	Микдори	Минг сўм	
I							
II							
III							
Итого:							

Корхона экспорт ва импорт сиёсатини таҳлили.

9-жадвал.

Корхона экспорт(импорт)ининг таркиби

Маҳсулот тури	2010		2011		2012		2012 йилдаги ўсиш (%ҳисобида) 2010 йилга нисбатан
	Микдори	%	Микдори	%	Микдори	%	

10-жадвал.

Маҳсулот таннархи динамикаси

Йиллар	Маҳсулот бир бирлиги учун кетган ҳаражатлар.		
	A	B	C
2009			
2010			
2011			
2012 йилдаги ўсиш (%ҳисобида) 2008 йилга нисбатан			

Корхона маркетинг фаолиятининг таҳлили

11-жадвал.

Корхона маҳсулот (хизмат)лари тўғрисида маълумот

№	Маҳсулот/хизмат	Маҳсулот ҳақида маълумот	Маҳсулот нархи	Маҳсулотни таништириш йўллари	Маҳсулотни тақсимлаш	Мақсадли бозор/сегмент
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						

Танлаш:

1. Энг мақбул ва фойдали ассортиментни танлаш.
2. Мақсадли бозорни, яъни бир хил(умумий) белгиларга эга истеъмолчиларни танлаш.

12-жадвал.

Корхона маҳсулотлари бўйича бозорни сегментлаш

Кўрсаткич номи	1 сегмент	2 сегмент	3 сегмент	4 сегмент	5 сегмент
1	2	3	4	5	6
Истеъмолчилар ҳақида характеристикаси (маълумоти, ёши, жинси, даромади ва б .)					
Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви					
Товарга бўлган талабнинг борлиги (камайтиши)					
Товарни харид қилиниш кучи					
Товарнинг истеъмолчиларни қондириш даражаси.					
Товарнинг ўзига жалб этиш даражаси.					

